



## **БУ ЁРДАМ БЕРАДИ !**



### **ЭСЛАТМА**

Россия Федерацияси  
худудига келувчи чет  
эл фуқаролари ва  
фуқаролиги бўлмаган

шахсларнинг гиёҳвандлик воситалари билан  
қонунга хилоф равишда муомала қилганларида  
жавобгарлик тўғрисида



Россия Федерацияси худудига гиёҳвандлик воситаларининг  
эркин муомала қилиниши таъқиқланган.

Россия Федерацияси худудига гиёҳвандлик воситаларининг  
ноқонуний савдоси билан боғлиқ ҳаракатларни содир қилган шахс  
жиноий жавобгарликка тортилади ва судланганлиги тўхтатилиши  
ёки олиб ташлангунга қадар Россия Федерациясига кириш  
таъқиқланади.

Жиноят содир этганликда айбланган шахс жинси, ирки ва  
миллатидан қатъий назар жиноий жавобгарликка тортилади.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний равишда  
етиштириш, сақлаш, ташиш ва эгаллаш бўйича айбланган шахс  
Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 228-моддасига биноан  
15 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний равишда тайёрлаш,  
сотиш ва бошқа шахсларга жўнатиш бўйича айбланган шахс  
Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 228-моддаси  
1-бандига биноан умрбод озодликдан маҳрум қилинишлари  
мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларини Россия Федерацияси чегараси  
орқали олиб ўтган шахс Россия Федерацияси Жиноят  
Кодексининг 229-моддаси 1-бандига биноан қўшимча  
20 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Гиёҳвандлик воситаларини кам миқдорда сақлаш, уларни  
тарқатиш ва истеъмол қилишга жалб қилиш бўйича айбланган чет  
эл фуқароси маъмурий жавобгарликка тортилади ҳамда 5 йилгача  
Россия Федерациясига киришни таъқиқлаш билан Россия  
худудидан чиқариб юборилади ёки депортация қилинади.

Агар Сиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига  
ихтиёрий равишда гиёҳвандлик воситаларини топширсангиз  
ва тергов ишларида фаол ёрдам берсангиз жиноий  
жавобгарликдан озод қилинасиз.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ ЁКИ УЛАРНИ  
ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ТОПШИРИШ УЧУН  
ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ  
САВДОСИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА РОССИЯ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ ХИЗМАТИ  
БОШҚАРМАЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ  
МУМКИН**

**ТЎҒРИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГ !**